



Халк ўзини бошқаришга ўргангандагина етук фуқаро бўлишга муносибдир. Озодлик, аввало ўз-ўзини бошқаришга кодирликдир. Ўз-ўзини, фикр ва хис-туйғуларини, ўз ички "тўполонлари"ни бошқаришга ўрганган кишиларгина ўзгаларни, ўз мамлакатини бошқара олади.

Николай БЕРДЯЕВ

Туркистонда мухторият тузиш гоёси, февраль инқилоби берган озодликдан сўнг пайдо бўлган эди. Бу фикр дастлаб 1917 йилнинг 12 ноябрида «Шўрои уламо» жамиятининг раҳбари Шерали Лапин раҳбарлигида Тошкентда бўлиб ўтган «Мусулмон жамоаларининг бирлашган йигини»да расман ўртага ташланган. Бу таклифни миллий савдо буржуазияси, ўлкада эндигина шаклланаётган саноат буржуазияси вакиллари, демократик ўзгаришлар тарафдори бўлган мусулмон зиёлилари ва рухонийлар билан бир каторда қуйи меҳнаткаш табақа вакиллари ҳам қўллаб-қувватладилар. 1917 йилнинг 26—29 ноябрида Қўқонда Ўлка мусулмонларининг IV ғавқулдда қурултойи чақирилади. Қурултой ноибларининг асосий қисмини эндигина тетапоё бўлаётган миллий савдо-саноат буржуазияси вакиллари ҳисобланмиш, янги дунё қўрган савдогарлар ва рухонийлар ташкил этарди. Қўпчилик ноиблар мустиқ демократик мусулмон давлатини тузиш, қўшни давлатлар билан сиёсий-иқтисодий алоқаларни мустиқамлаш гоёсини илғари сурдилар. Ноиблар Туркистон жаҳон тараккиётидан узилиб қолганлигини тушуниб етган, тараккиётга тўсқинлик қилаётган ҳар қандай эски қушларни синдириш ва янги илғор унсурларнинг ривожланишига йўл очиш тарафдори эди. Очиқ овоз бериш йўли билан қурултой хайъатига Ўбайдулла Ҳўжаев, Мустифо Чўқаев, А. Махмудов, Юргули-Оғаев, Саломан Гердцфельд, И. С. Шоҳиҳматов, Қамолқори, Ақаев, Қичқимбоев, Абдурахмонбек Ўразаев, Қилиев, Қаримбоев, М. Беҳбудий сайланди. Съезд қун тартибига иккита масала қўйилади. Биринчи масала: «Туркистоннинг жануби-шарқий иттифокка қўшилиши тўғрисида» бўлиб, делегатлар учун қутилмаганда пайдо бўлди ва анча мунозара тугдирди. Иккинчи масала: «Туркистон мухторияти тўғрисида» эди. 27 ноябрь қуни эрталаб съезднинг очилишида шаҳар ҳокими қуйидагича

фикр билдиради: «Туркистон мусулмонларининг IV Ўлка съездини чин калбдан кутлайман ва съезд Туркистонга мумкин қадар кўпроқ фойда келтириб, Туркистон тарихида чуқурроқ из қолдиришини истайман... Шубҳасиз, Туркистонга эркин мухторият керак», деб таъкидлади. (Қаранг: П. Алексеенков. «Кокандская автономия», Тошкент, 1931 й., 21-бет.) Биринчи масала юзасидан ўтган бахсларда депутатларнинг бир қисми иттифокка киришни маъқулладилар.

Иқтисодий жihatдан иттифокка кириш фойдали эди. Чунки ўлкага Шимолий Кавказ ва Оренбургдан дон маҳсулотлари келтириларди. Айни вақтда Туркистон ўз пахтасини уларга сотиши мумкин эди. Устига устак «Жануби-шарқий иттифок» ҳудуди аҳолисининг катта қисми ислом динига эътиқод қиларди, бу сабаблар иттифокка киришни яқинлаштиради, иккинчи гуруҳдагилар Туркистоннинг яна мустамлака бўлиб қолишидан ҳавотирда эдилар. Бу гуруҳдагиларнинг фикрларидан мисоллар келтирамиз: «Қазаклар азалдан самодержавиенинг суянчиги бўлиб келган. Улар халқимизни қанчалар азобуқубатга дучор қилмади. Қазаклар доимо инқилобга қарши чиққан. Ҳозир ҳам қазаклар тепасида подшо тузумини қайта тикламоқчи бўлган Қасновлар, Қарауловлар, Қелидинлар турибди-ку! Улар Олмония билан урушни галабагача давом эттирмоқчи, Истам-булни забт этиб Ок-София черковини қайта тикламоқчи. Уларнинг биздан ёрдам сўраб мурожаат қилишига ягона сабаб — ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдир. Биз улар билан бирлаша олмаймиз».

Съездда тартиб йўқола боради. Раислик қилувчи тажрибасизлиги туфайли тартиб ўрнатолмайди ва у қурултой мажлисини ёпик деб эълон қилишга мажбур бўлади. Жануби-шарқий иттифокка кириш эса эртаси кунга қолдирилади. 27 ноябрь куни узок тортишувлардан сўнг бўлгувси давлатнинг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олиб, иттифокка кириш ҳақида қарор қабул қилади.

Съезд кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан мунозаралар съезднинг кечки мажлисида ва 28 ноябрь кунги эрталабки мажлисда давом эттирилди.

Бутунрусия Мусулмонлар Қенгаши МКнинг аъзоси, депутат Ўбайдулла Ҳўжаев маърузасида қуйидагиларни қайд этди. «Русияда ҳозир ҳақиқий ҳукумат йўқ. Русия империяси музофотида ҳамма миллатлар большевойларга қарши қурашга бел боғладилар. Бутунрусия таъсис мажлисининг қақирилишига ҳеч қандай умид йўқ...» Ва маърузачи зудлик билан Туркистонни мухторият бошқарувига ўтишга, депутатларни большевойларга қарши қурашга қақирди».

Депутат С. Юсупов (Русиядаги воқеалар тўғрисида, айниқса, большевойларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари, зўравонликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгач). Туркистон мухторият ҳуқуқини олишга ҳозир тайёرمى? Ва ўзи жавоб беради: албатта тайёр эмас, лекин бундан мухторият эълон қилишимиз керакмас деган ҳулосага бормаслик лозим. Озод яшашни хоҳпаймизми? Демак, Туркистонни мухтор жумҳурият деб эълон қилмоқ керак.

Депутат Содикбоев: Большевойлар Туркистонни мухтор жумҳурият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумҳурият деб эълон қилишимизга қаршилиқ кўрсатмасинлар. Оврўпаликлар бизнинг ички ишларимизга аралашмасинлар. Чунки ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку.

Депутат Аминхон Тўра: Туркистон 50 йилдан буён Русия ҳукумати кўли остида. Руслар босиб олгач, ерли аҳолининг диний, миллий суд ишларига дарров аралашмаса-да, аста-секин ўлка ҳаётининг ҳамма жабаҳаларига кўл чўза бошладилар. Февраль инқилобидан сўнг Туркистон халқи озодликка эришдик, деб ҳурсанд бўлганди.

Большовоилар хокимият тепасига келгандан сўнг зудлик билан мухторият эълон килиш зарурати тугилди. Айтишларича, большовоилар уруш эълон килармиш. Майли, лекин улар туркий мусулмонлар диний, миллий ҳукукларини химоя килиш учун кондан (ўлимдан ҳам — Ш. Д.) кўркмаслигини унутмасинлар.

Съезд Туркистон тараккиётини белгилаб берувчи тарихий ҳужжатлар қабул килди. Қабул килинган қарорларда демократик қайфиятдаги мусулмон зиёлиларининг фикрлари ҳам ўз ифодасини топди.

Муфтий Махмудхўжа Бехбудий ўз маърузасида съезднинг Туркистон халклари тарихида улкан ижобий, тарихий ходиса ва бурилиш даври эканини таъкидлаб, «Съезд-димиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг оврўпалик вакиллари ҳам иштирок этмокдалар», деди. М. Бехбудий съезд раёсатида мусулмонлар билан бир қаторда насроний гуруҳларнинг делегатларидан ҳам вакиллар бўлишини ёклаб чиқди. Уни вилоятдан келган депутатларнинг кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Кўконлик бир депутат М. Бехбудий фикрини давом эттириб, қуйида-гиларни кўшиб қўйди: «Биз съезд хайъатига вилоятлар бўйича эмас, балки қайси динга мансублиги ва миллий этник гуруҳларига қараб, кенг фикрли, билимли ва ишбилармон кишиларни сайлашимиз керак». Натижада демократик мусулмон зиёлилари талаби билан Туркистон аҳолисининг оврўпалик қисми вакиллари ҳам съездда тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар.

1917 йилнинг 28 ноябрида, съезд қабул қилган резолюцияда қуйидагилар ўз аксини топди. «Съезд Туркистонда яшаётган халқлар иродасини ифода этиб, Буюк Русия инқилоби берган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи»дан келиб чиқиб, Туркистонни Россия Федерацияси таркибидаги маъмурий мухтор жумҳурият деб эълон қилди. Мухторият ҳуқуқи Туркистон таъсис мажлисида қонунлаштирилди ва Туркистондаги қамсонли миллатлар, элатлар ҳуқуқи химоя қилинажаги тантанали равишда эълон этилди. Тузилган ҳуқуқмат ўз номини 28 ноябрь қуни «ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ» деб атади. Бутунрусия таъсис мажлисида Туркистоннинг мухторият ҳуқуқи расман тан олинди талаб қилинди.

Съезд Бутунрусия таъсис мажлисини қақариш, қабул қилинган қарорларга муво-фик бутун хокимиятни тўлалигича «Вактли Туркистон Шўроси» ва «Туркистон Халқ Бошқаруви» ихтиёрига беришни талаб этди. Бутунрусия таъсис мажлисига борадиган Туркистон Вактли Шўросининг таркиби 32 депутатдан иборат эди. Депутатларнинг учдан бир қисмини оврўпалиқлар ташқил этди. Чунки мухтор ҳуқуқматнинг юқори идораларида йирик этник гуруҳларнинг ўрни қафолатланган эди.

«Съездда делегатлар иқтисодий масалаларга ҳам алоҳида эътибор берди. Мухтор жумҳурият инглизлардан харбий ёрдам билан бир қаторда иқтисодий ёрдам ҳам олажагини, жумладан ўлкада очлик ҳуқм сураётган бир вақтда тайёрлов нархи бўйича нон харид қилиш, озик-овқат маҳсулотлари, жумладан нон маҳсулотларини пахтага, жунга алмаштириш тўғрисида қелишиб олинди».

Бўлажак давлат мафқурасида ислом дини қоялари ҳуқмронлиги тан олинганди. «1917 йил сентябрь ойидаги «Ўлка мусулмонларининг Олий Қенгаши»да мусулмонлар ўз ҳуқуқини аниқлаш йўлида, умуминсоният тараккиётига етишишда Қуръон ва шариат қонунларида кўрсатилганидан бошқа тўғри йўл йўқ», деб таъқидланганди. Съезд ўз ишини қунлаш арафасида қонун қикарувчи ва назорат қилувчи парламент аъзоларини сайлади ва яна бир қарра Туркистон мухтор жумҳурият деб эълон қилинганини тантанали равишда тақрорлади. Депутатлар бу сўзларни тик туриб тингладилар, ҳудоба

шукроналик билдириб, «Куръон» сураларидан тиловат килдилар.

Кўкон шахрида эълон килинган мухториятнинг микёси кун сайин кенгая борди ва бутун Туркистонга ёйилиб, Туркистон мухториятига айланди.

Турли сиёсий окимлар мухториятга турлича муносабатда бўлдилар. Ўлкадаги социал инкилобчилар, кадетлар (конституцион демократлар) ва хаттоки харбий халк бошқаруви ёки Губернатор канцеляриясининг чиновниклар ташкилоти ҳам уни Туркистондаги ягона конуний ҳокимият эканлигини тан олдилар.

«Улуг Туркистон» газетасининг 1918 йил 19 январь сонида берилган хабарга кара-ганда, 1918 йилнинг 7—10 январида Кўкон шахрида Туркистон социал-инкилобчилар партиясининг II съезди бўлиб ўтади. Съездда Кўкон, Скобелев, Андижон, Марв, Самарканд, Ашхобод, Кизил Арвот шаҳарлари ва нефть конларидан вакил бўлиб келган делегатлар катнашадилар. Съездда Туркистон мухториятини ёклаш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинади.

Мухториятни қўллаб-қувватлашга бағишланган намоёишнинг энг каттаси 13 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтади. Бунгача Туркистон ХКСининг ҳам, ҳуқуқ партия маъмуриятининг ҳам Кўкон мухторияти ва Тошкентда ўтказиладиган байрам митингига муносабати унчалик аниқ эмасди. Шунга қарамайдан ТошСовет митинг ўтишига руҳсат беради ҳамда шаҳарда тўла тартиб сақланишини шаҳар гарнизони бошлиғи Стасиков зиммасига юклайди. Аммо тинч ўтаётган намоёишнинг қонли тугашига капитан Фролов бошлиқ шаҳар харбий бўлинмаси сабаб тугдиради. Фроловчилар намоёишчиларнинг Қудратли тўлкинидан фойдаланиб, Туркистонни мустамлақа ҳолида сақлаб қолмоқчи бўлган ва мусулмонлар билан насронийлар ўртасида жанжал чиқаришга устаси фаранг граф Г. Доррерни овоз қилмоқчи бўлган эдилар. Қонли тўқнашувда намоёишчилардан 15 киши, аскарлардан бир киши ўлдирилади.

...Ўн саккизинчи йилнинг киши Кўкон учун ниҳоятда оғир келди. Кўконда рўй бераётган воқеалар қилқиласи бутун Туркистонни қамраб олди. Шаҳарда икки ҳокимиятчилик ҳуқуқ суради. Кўкон Шўроси ва мухторият ҳуқуқати ўзларича бир-бирига зид қарорлар чиқарар ва ўзларича иш тутарди. Кўконда бўлаётган воқеаларнинг асл моҳияти қуйи табақа вакиллари онгига сингиб улгурмаганди. Кўкон шаҳар Шўроси шаҳарнинг янги қисмида ҳокимлик қилиб, асосан темир йўл ва пахта заводларида ишлайдиган оврўпалик ишчиларга, шаҳар гарнизонига, Кўкон қалъасидаги (қибла Кўкон хони Ўрда-си) қўшун армиясининг ҳалича уй-уйларига тарқалиб улгурмаган аскарларига суянади. Қалъада қўшимча яшаётган аскарлар қўшун бор-йўғи 16 киши эди. Қўшун армиясининг қолган-қутган аскарлари қўшун ташвиши билан Кўкон атрофида изғиб юради. Са-маркандда эса (қўшун Хўжанд атрофида) жаҳон урушининг 8 мингдан ортиқ харбий асирларини 8 та аскар қўриқларди. (Биринчи жаҳон урушининг 41 минг 285 та харбий асир Туркистонда қўланарди.)

Шаҳар гарнизонидаги қўроқларнинг бир қисми шаҳар қўшунининг қарори билан мухтор ҳуқуқат қўшунига қўшун қилинганди. қалъадаги эҳтисоз қўшун ишчиларга тарқатилди. Ва қалъадаги қўроқли кишилар қўшун 33 тага етказилди.

Февраль ойининг бошларида Кўконда рўй бераётган воқеалар анча қўшун тўш олган эди. 11—12 февралга ўтар кечаси бир қўшун қўшун қалъага қўшун қирдилар. 12 февраль куни қалъадагиларга Қўшун Тошкентдан олиб келган қўроқларни тарқатди ва кечгача қалъа қўшунчиларининг қўшун 400 кишига етказилди. 13 февраль куни эса қалъадагиларга Андижон ва Скобелевдан 120 та қўшун қўшун аскар, Перовскдан эса 80 та аскар қўшунга келди. Қўшун-қўшун қўшун қўшун қалъа

химоячиларининг сони 600 дан ошиб кетди.

Туркистон мухторияти илдизига кай тарика болта уришни билолмаётган кизил гвардиячилар, ниҳоят ҳар хил миш-мишлардан усталик билан фойдаланади. Буни кир ниятли Сазоновнинг хотираларидан ҳам билса бўлади.

«Кўкон ҳукумати ва Кўкон воқеалари аста-секин жиддийлашиб, кучайиб борарди. Посетовскадаги съездга қадар, марказдан келган Ислон Шохиахматов Туркистон мухториятининг имкониятлари ҳақида оташин нутқ сўзлади.

...Мухтор ҳукумат Советлардан мусулмон делегатларини чакириб олди (улар Советларда кўпчиликни ташкил қиларди) ва улардан, жангчи ҳамда дехконлардан иборат парламент яратди. Бойлар қуролланаётган эмиш, мухтор ҳукумат қандайдир жангга тайёрланаётганмиш, аллақерлардан қуроллар олаётганмиш деган узун-қулоқ гаплар юрарди. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий бойлар ва аҳолининг бадавлат катлами банклардан пулларини олардилар. Темир йўлчиларимиз мухтор ҳукумат номига келаётган юкни текшириб қурол-яроғ топган эмиш, деган гаплар қулоққа чалиниб турарди. Вакт ўтган сари бундай гаплар кўпаяверди. Кўкон ҳукумати Советларсиз буйруқлар чиқара бошлади. Туркистон халқлари бу буйруқларга сўзсиз итоат этиши ҳақида овозалар тарқатдилар. Шундай қилиб, Кўкон ҳукумати Совет ҳукуматининг обрўйига путур етказа бошлади.

Ўлкада шундайин нозик аҳвол ҳукм сураётган бир вақтда, аввалига Ашхободда темирйўлчиларнинг 3 съездига, сўнгра Тошкентда Советларнинг съездида иштирок этишимга тўғри келди.

Съезд ўтаётган вақтда, Кўкон Советининг раиси Бабушкин топшириги билан келган 2 аскар мен билан учрашди ва Тошкентдан қуролли ёрдам кўрсатиш зарурлигини айтиб, Кўкон мухтор ҳукумати ҳужумга тайёрланаётгани тўғрисидаги номани менга топширди. Агар Тошкентдан ёрдам юборилмаса Бабушкиннинг ўзи Тошкентга келиши мактубда таъкидланган эди. Мен аҳвол тўғрисида Тоболинни воқиф этдим. Тоболин Кўкондан келган аскарларни қабул қилди. Қалъа доругаси (коменданти) Якименкони чақирди ва бизларга 300 та милтик, пулемёт ва бошқа қурол-яроғ беришга рози бўлди.

Мен Кўконга қуролларни сездирмасдан олиб бориб Мешенковга топширишни маслаҳат бердим, чунки Кўкон қалъасининг доругаси Зинченко ишончсиз киши эди.

Ўзимни ростлаб олдим ва уч кундан кейин Кўконга жўнадим. Кўконга кириб боришимиз арафасида паровозчилар бригадасида маъруза қилдим. Гўё шаҳарда осойишталик ҳукм суларди. Қўшнарларимизнинг айтишларига қараганда, тунда шаҳарда отишма бўлганмиш. Мен воқеани билиш учун станцияга бордим. Станцияда темирйўлчилар билан Коновалов ва Рилов бирга экан. Бабушкин тунда мухториятчилар рус зобитлари бошчилигида уларга қандай ҳужум қилганини сўзлаб берди... Қискагина бўлиб ўтган отишмада қатнашишга тўғри келди. Қизил гвардиячи соқчилардан бирига ўқ тегиб нобуд бўлди. Бабушкин хотини билан панарок жойга яшириндилар. Қўчада гўёки, ҳаммаёқ жимжит, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Шаҳар телефон станцияси ишлама-ётганди. Отишмани ким бошлаганини аниқламоқ зарур эди. Темирйўлчилар менга ва Николаенкога (партиясиз) мажлисга қатнашиш учун мандат беришди.

Биз шаҳар телефон станцияси томон жўнадик. Телефон хизматчиларининг деярли ҳаммаси жой-жойида, янги шаҳар алоқа тармоғи ажратилган. Мен алоқачи аёлга «Эски шаҳарни узиб, Янги шаҳарни уланг», деб буйруқ бердим. Алоқачи аёл эса бизга иккила-ниб, Янги шаҳарни қўшолмаслигини айтди. Маълум бўлишича, кечаси рус зобити бошчилигида бир қисм қилиб, Янги шаҳарни узиб, Эски шаҳарни узмасликни буюриб

кетибди. Зобитларнинг ўзаро телефондаги суҳбатидан уларнинг бири имом билан калъа томон жўнаётганини, иккинчиси эса телефон станциясида эрталабгача навбатчилик килишни зиммасига олганини англадим. Улар 73-ракамга телефон килишни келишиб олишди. Бу Кўкон мухторияти ҳукуматининг телефон раъами экан.

Энди ҳаммаси тушунарли бўлди. Кўкон ҳукумати ҳужум тараддудида. Мен телефончи жувонга: «Эски шаҳарни узиб, Янги шаҳарни уланг», деб буйруқ бердим. Ва 73-ракамга кўнгирок килиб ҳукумат аъзоларидан бирортаси борми, деб сўрадим, аксига олиб ҳеч ким йўқ экан. Телефонда гаплашган кишига ҳукумат аъзоларининг бирортаси билан соат 4 ларда гаплашмокчи эканимни айтдим.

Калъага кириб борганимизда бир неча марта ҳужум килиб, уни анчагина вайрон қилган эканлар. Калъа доругасини бизга нисбатан хоинлик қилган учун қамаб қўйибди.

Темирйўл станциясидан туриб, Бабушкин нома юборибди. Унда «Зигель, Чўкаев ва унинг қотибини қамоққа олишлар», деб ёзилган экан. Иккала кизил гвардиячи аскар билан бирга уларни қамоққа олиш учун жўнадим. Зигель ҳам, Чўкаев ҳам уйларида йўқ экан. Уйларини роса тинтув қилдик. Қотибини уйдан топдик ва уни калъага олиб келдик. У бизга мухтор ҳукумат аъзоларининг рўйхатини ва рус зобитларининг исм-шарифларини айтиб берди.

Телефон станциясида қодган Николаенкога 12 кишини ёрдамга юбордим. Телефонда келишиб олганимиздай соат 4 ларда экипаж келди. Мен ва Николаенко жин қўча бўйлаб йўлга чиқдик. Бизнинг йўлдошимиз мусулмон бўлиб, Шўроларнинг собиқ аъзоларидан экан. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб келдик. Унинг айтишича, мухтор ҳукуматнинг ихтиёрида қурол-яроғ ва одамлари жуда қўп бўлиб, уларни шакарда нафакат сартлар ва қирғизлар, балки, тожиклар, форслар, лазгинлар ҳам қўллаб-қувватлаётган экан.

Кўкон мухтор ҳукумати Эски шаҳардаги оврўпача услубда қурилган энг катта уйда, собиқ «Проводник» фирмасининг биносида жойлашган эди.

Бизни М. Чўкаев юзида илик табассум билан қутиб олди ва дастурхонга, чойга таклиф қилди. Умуман меҳмонга бўлгандай муносабатда бўлди. Сўнгра қимлигимизни ва нима учун келганимизни суриштирди. Биз унга кечаси рўй берган воқеани айтиб берганимизда, унинг ранги оқариб тутакиб кетди ва ёрдамчисини чақириб, унга баланд овозда: «Мен ҳукумат бошлиғиман, менинг руҳсатимсиз нималар бўляпти? Ахир бизнинг Шўро ҳукумати билан тинч-тотув яшаш тўғрисида қабул қилган қароримиз бор-ку!» деб бақирди. Шу вақт мен гапга аралашдим: «Келишиш кеч эмас, рўй берган воқеани текшириш ўз йўли билан, яхшиси музокарани давом эттирамиз. Қелинлар, сизлар нимани талаб қилсангиз, бизлар ёзиб оламиз. Қўриниб турибдики, сизлар монархист эмас, озодлик тарафдорисизлар». Шунда М. Чўкаев: «Озодликни сизлардай қўллаш бизга тўғри келмайди, тўғри, сизнинг миллатингиз маданиятли, сизларнинг бунақанги озодликларингизга бизнинг мусулмон халқимиз чўкиб кетади», деди... Николаенко қотиб сифатида талаб бандларини ёзиб ола бошлади. Жумладан, 7-бандда «Суд юритиш ва ҳуқуқий норма қоидалари Шариатга асосланиб, ер масаласи ўз ҳолича қолдирилсин, аёлларнинг юзи очилмасин, одатдагидай эрига тобе ҳолда қолдирилсин ва ҳоказолар», дейилганди. Сўнгра у Кўконда оврўпаликларнинг факатгина маданиятли қатламни, яъни, темирйўлчилар, телеграфчилар ва бошқаларни қолдириш таклифини қиритди. Уларга катта маош тўлашга ваъда ҳам берди.

Шунда Юсуф Давидов қиборлик билан: «Бу ерда нима қиласизлар», деди. Бундан Чўкаев ҳаяжонланиб: «Ҳукумат бошлиғи менман-ку! Биз Шўролар ҳукумати олдига ўз талабларимизни қўйиб, улар билан келишиб оламиз», деди. Юсуф Давидов яна:

«Кўйсангиз-чи!» деб Чўкаевнинг гапини бўлди. «Биз бу шартларни тан олмаймиз», деди ва Николаенкодан: «Сиз ким бўласиз?» деб сўради. Мен унга мандатимни кўрсатдим. «Мен ҳам расмий шахсман ва расмий равишда айтаманки, сизлар билан келиша олмаймиз». Мен унга биродаркуш бўлиши аник экан-да, дедим. «Катта кетманг, сизлар билан ва сизларнинг халкингиз билан ҳисоб-китоб килишга бизнинг кучимиз етади», деди Ю. Давидов.

Нима ҳам килардик. Биз келишолмай курук кайтдик. Мен калъадагиларни огохлантириш учун у ёкка бордим. Кейин янги Ревкомга (инкилобий кўмита) музокара якунлари тўғрисида ҳисобот бердим. Темирйўлчилар билан умумий йигилиш ўтказдик ва Ревком аъзоларини сайладик. Ревком аъзолигига Коновалов, Рилов, Николаенко ва мен сайландим. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий эмас, ҳарб ишига уқувсизрок эди. Менинг мажлис ахлига берган ҳисоботимдан сўнг кўпчилик жанг киламиз, деган фикрни олдин-га сурди. Эс-хушни жойга кўйиб, шошмасдан иш килиш керак эди. Курол-яроғлар бизда жуда кам, бор-йўғи 50 кишида бор, холос. Гарнизонда 38 кишимиз, шаҳар ташкарисида 8 минг чехословак ҳарбий асирлари бор... Ким билади, уларнинг қайси томонда туриб жанг килишини. Эски шаҳар бизга нотаниш. Бунинг устига ҳарбийлар орамизда жуда камчилик. Демак, уришишдан фойда йўқ. Калъани мудофаага тайёрлаш, Тошкент ва Скобелевдан мадад кутишга қарор килдик.

Хохлаймизми, йўқми, биз шундай йўл тутишга мажбур эдик. Бир кишини навбатчиликда қолдириб, қолганларимиз мудофаа ишлари билан овора бўлдик. Кечаси соат 3 ларда Месхи мени уйготиб: «Йўл берди, Осипов келяпти», деди... Янги сайланган ревком раиси Тошкентга, Колесовга ўзининг сайланганлигини ва Кўконда бўлаётган воқеалар тўғрисида телеграмма берди.

Поезд етиб келди. Мен уларга чой, нон хозирлаб кўйгандим. Аскарлар шовкин кўтариб: «Биз сартларни тинчитиб кўямиз!», деб ховликиб кириб келдилар. Осипов билан унинг қисм замбаракчиси Пономарёв ҳам келган экан. Яхши қуролланган 120 киши ёрдамга келишди. (К. Осипов Скобелевдан 4 замбарак, 5 пулемёт билан келади. У Скобелев ҳарбий дружинасининг командири эди — Ш. Д.) Мен Осипов билан келишиб олдим. Қурол-яроғларни сездирмасдан калъага жойлаштирдик. Осиповнинг талаби билан ревком калъанинг доимий вакили сифатида мени ва Николаенкони унинг ихтиёри-га берди. Калъага ёрдам бериш учун Удалов, Беленко, Шишков, Вершининлар ҳам келишди. Бизга Осипов кўмондонлик килди. Артиллериячиларга Пономарёв бош бўлди. ...Биз мажлис ўтказдик ва Кўкон ҳукуматига қуйидаги мазмунда кескин талабнома беришни келишиб олдик:

1. Эртага кундуз соат учгача қурол-яроғларни Воскресенский майдонига олиб келиб топширсин;
2. Мухтор ҳукумат таслим бўлсин ва Шўро ҳукумати тан олинсин, — деган талаблар бор эди.

Шундай қалтис вазиятда темирйўлчилар орасида интизом бўшлиғи сезилиб қолди. Улар гоҳ ревком буйругини бажармасди, гоҳ маст-аласт бўлиб дайдиб юрарди.

Темирйўлчилар йигилиш ўтказдилар. Мажлисда мудофаамизнинг нозик томонлари тўғрисида гап-сўзлар бўлди. Хўжанд томондан ҳужум ҳавфи борлиғи сабабли, Хўжанд кўпригини портлатиш ёки портлатмаслик масаласи кўрилди. Агар кўприк портлатилса, Тош-кентдан бизга нон ва озиқ-овқат маҳсулотлари келмай қоларди. Бу масалада баҳс анча Кизиди. Николаенко кўприкни портлатмасликни қаттиқ туриб талаб қилди. Биз уни Ревком таркибидан чиқардик ва Чаплигини сайладик. Ревком қаттиқ туриб шундай

буйрук берди. «Хўжанд кўприги портлатилсин, каршилиқ кўрсатганлар отиб ташлансин!» Эртасига Биленко ва мен талабномани топширгани бордик. Бизни яна Чўкаев илиқ кутиб олди, дастурхонга таклиф қилиб чой узатди. Биз албатта рад этдик ва унга хат-жилдни бердик. У хатжилдни очиб ўқиди ва бошқа нозирларга узатди. Менимча, унинг ёлғиз ўзи бундай саволларни хал этишга ваколати йўқ экан.

Биргаликда соатларимизни тўғриладик ва вақтни белгилаб орқага қайтдик. Чўкаев яна бизни эхтиром билан кузатиб қўйди ва ярим йўлгача сокчи ҳам берди. Соат 3, шаҳарда жимжитлик, ҳеч ким Воскресенский майдонига келиб курачини ташламаяпти. Фақат алла айтаётган аёлнинг овози элас-элас кулоққа чалинади. Соат 3 яримларда «Проводник» томон замбаракдан бир неча марта ўқ уздик. Шаҳарни вайрон қилмасликка қарор қилдик ва ҳукуматнинг яна бир кун ўйлаб қўриши учун муҳлат бердик.

Қалъадаги сокчиларнинг сонини кўпайтириб, уларни сергакликка чақирдик. Умуман, Осипов қарбий ишларни яхши йўлга қўйди. Эрталаб Осипов қарбий қучларимизни уч гуруҳга бўлди ва 40 кишини ўзи билан бирга олиб, Эски шаҳарга мухтор ҳукумат вакиллари қамолқа олиш учун йўл олди. Иккинчи гуруҳ эса қар эқтимолқа қарши қалъани қўриқлаш учун қолди.

Қалъа мудофаачиларини асосан темирйўлчилар ва арман дашноқлари ташқил қиларди. Кейинроқ, айтишларича, айрим уйлардан тартибсиз ўқ отилганини ҳисобқа олмаганда, бўлинмамиз шаҳарга эмин-эркин қириб қорибди. Бизникилар ҳам ўша уйларга қарата ўқ узибди ва қичкина қуролланган тудда билан тўқнашибди. Аскарлар-нинг айтишича, бу жангда қорслар алоҳида намуна кўрсатганмиш. Улар билан бўлган биринчи тўқнашувда 5 киши қардор қилинибди, иккинчи тўқнашувда бир киши ўлдирилиб, 2 киши қарохатланибди.

Бўлинмамиз анча вақт ҳаяллаб қолди. Қоронгу тудда бошлади, улардан эса ҳамон дарак йўқ. Телефон станциясидан «Биз томонга муслмон отряди қеляпти, нима қилай-лиқ?» деб шошилишч телефон қилдилар. Мен уларга «Электрни ажратиб, ҳамманг уй-уйларингга тарқалинлар», деб буйрук бердим.

Монтёр станциядан қарур иш қуроллари билан ёнимизга етиб қелди ва қалъани станция билан қайта улади.

Қор қарайганда отрядимиз қоргин қолда қайтиб қелди. Мухтор ҳукумат имижида, сездирмасдан жойини алмаштирган экан. Очик ҳужум қилишимиз учун ҳали қучимиз қам эди. Ҳужум уюштирмасликка қелишдик. Қалъа мудофаачилари эса анча қарчаган эди. Иккинчи қуни иққала томон ҳам тинчиб қолди. Айгочиларимиз уларнинг айгоччи-сини тутиб олибди. Уни сўроқ қилганимизда: «Сизларнинг қуролларингиз оз. Қиламан, мени отиб ташлайсизлар, лекин бизникилар сизни қолқингиз билан қириб ташлайди», деб жавоб берди... Қалъанинг собиқ қоругаси Зинченко Тошқентдан ёрдам қелишини қилмасди, қоинлиги тудфайли уни ертўлага қамаб қўйгандик. Муслмонлар тунда қалъа ва станцияга бир вақтда ҳужум қилишга уриниб қўрдилар. 10 минглар атрофида қуролсиз оломон оқ қийимда қалъа томон ёпирилиб қела бошлади. Уларни орқасидан қу-ролланган қорслар қувиб қелаётганди. Қрим соатлардан кейин бу қолат яна тақрор-ланди. Ҳужумни қалъа мудофаачилари қайтардилар. Ораликдаги Қугас қўчасида 30 ов-рўпалиқни муслмонлар бўғизлаб ўлдирилибди. Қалъага энг қин бўлган Қерёвкин станциясидан ёрдам сўрадик. Тезда 80 қишдан иборат Қеровский бошчилигида қисм етиб қелди.

Қўқон ҳукумати очик жангда енғолмасликларига қўзи етиб, бошқача йўл тудда бошлади. Бизга делегация юқориб таслим бўлишни таклиф этишди: «Бизнинг қучимиз ҳам,

куролимиз хам кўп. Казаклар бизга ёрдамга келаяпти. Сизларни кириб ташлашни хам, кон тўкилишини хам хокламаяпмиз». Албатта, биз таклифни рад этдик.

Кўкон ҳукумати яна делегация юбориб: «Таслим бўлинглар, мухторият таркибида энди уламо ва бойлар йўк», деб айтишди. Музокара кетаётган бир вақтда сокчи аскар-лардан бири югуриб келиб, «калъага хужум қилишяпти», деб кичкирди. Улар бизни чалгитиб, айёрлик қилган эканлар. Имкониятдан фойдаланиб, яқинимиздаги бинони керосин куйиб ёкиб юбордилар. Шамол кора тутунни биз томонга хайдай бошлади, тутун орасидан 40 га яқин киши яшириниб хужумга ўтди. Ок байрок кўтарган турк зобити кийимидаги бир неча киши шамолдек учиб келарди. Сокчилар уларни отишга улгурдилар. Хужум қайтарилгандан кейин ўлган зобитни тинтиб кўрсак, ёнидан катта портлатиш кувватига эга бўлган 2 бомба топилди. Маълум бўлишича, унга калъа дарво-засини портлатиш топширилган экан. Дарвоза очилгач, асосий пиёда қисмлар калъага ёриб кириши кўзда тутилганини англадик.

Мусулмонларнинг яна бир айгоқчисини тутиб олиб сўрок қилдик. Унинг айтишича, М. Чанишевнинг ўзи, тунда калъага хужум бошлаш учун аркондан нарвон ясаб 400 тача кишини тайёрлаётган экан. Тунда ростдан хам хужум бўлди. Биз уни қайтардик. Улар беш мартача делегация юборди. Мухториятчилар қуролини ташлаб Шўро ҳокимиятини тан олмаса, музокара олиб боришдан бош тортишимизни айтдик. Шунда улар станцияга, ревкомга мурожаат қилибди ва ҳарбий ишда укувсиз темирйўлчилар билан қелишиб олибдилар. Қелишувга биноат, «кечаси соат 12 ларда Ўрдадаги (калъада-ги) кўнгирок чалинганда, мусулмонлар калъага кириб намозимизни ўқиб, кейин таслим бўламиз», деб айтибдилар. Осипов ва мен уларнинг бу таклифини рад этдик. ...Ок ҳалат қийган мусулмонлар тўдаси калъа томон ёпирилиб келарди. Улар йўл-йўлакай биноларга ўт қўйиб, ҳаммаёқни тутунга ботирарди. Мен дашноклар ёрдамида уларнинг хужумини яна бир бор қайтардим. Бунақанги хужумлардан-биз ҳаддан ташка-ри чарчадик. Калъада озик-овкат етишмовчилиги хам сезила бошлади. Кейинги кун мухториятчилар яна музокара олиб боришни, ярашишни таклиф қилишди. Улар тузган делегация таркибининг тенг ярмини оврўпаликлар, қолганини ерли халқ вакиллари ташкил этарди. Биз яна музокара олиб боришга рози бўлдик.

Чунки Тошкентдан ёрдам кутаётган эдик. Музокаралар «Рус-Осиё» банки биносида ўтказилди. Ярашиш битимини ўтказишга қелишиб олдик. Лекин мухториятчилар Янги шаҳарга ўқ узишдан ўзини тия олмади. Музокараларни калъага яқинроқ жойда ўтка-зилишини каттик туриб талаб қилдик ва бунга эришдик хам. Музокаралар давомида мухтор ҳукумат томонидан, кўринишидан оврўпалик зобитлардан бўлса керак, рус тилида эркин гапирарди. У «ҳамма гап ҳарбий гуруҳда, шахсан Чанишев ерли халқ устидан диктатура ўрнатмокчи. Чанишев ҳибсга олинмас экан, ҳеч қандай музока-радан наф чикмайди. Яраш битими имзоланаётган бўлишидан қатъий назар, улар-нинг хужум қилиб қолмаслигига ҳеч қим қафолат беролмайди. Агар шундай ҳолат рўй берса, бизнинг ҳаётимиз гаровга тикилиб қолиши мумкин», деди ва Чанишевни қўллаб-қувватловчилар орасида Шўро ҳукуматининг ашаддий душмани саналган Мулла Бой борлигини хам алоҳида таъкидлади.

Музокаранинг иккинчи куни делегациямиз қайтиб келди. Эргаш ўзини хон деб эълон қилибди. У бўйсунмаётганларни отиб ташлаётган эмиш. Калъага Гушин кириб келди ва «ҳеч қанака жиддий ҳаракат қилинмасин, эрталаб Перфильев Тошкентдан етиб келади. Казаклар қуролсизлантирилди», деди. Биз Кўкон мухторияти делегацияси билан

ўтаётган музокара вақтини турли бахоналар билан чўза бошладик. Эрталаб Е. Перфильев отряди билан етиб келди (подшо армиясининг 28 ёшли собик по-ручиги, Туркистон ўлкасининг харбий комиссари — Ш. Д.). Ва шу куниёк Эски ша-харни ёндирувчи снарядлар билан тўпга тутди. Менимча, бундай қилишнинг сира харбий зарурати йўқ эди.

Эски шаҳарда дахшатли талон-торож ва ёнгин бошланди. Саросимага тушган Эски шаҳар аҳолиси орқа-олдига қарамасдан, уйлари ва қимматбаҳо молу мулкларини ташлаб жонхололда дуч келган томонга қоча бошлади. Талон-торожликдай гуноҳ ишлардан аскарларни тўхтатиб қолмадик. Отиш ва ёнгинда қўлаб беғуноҳ кишилар ҳалок бўлди. Шаҳар ҳувиллаб қолди. Қолган-қутган аҳоли ёрдамга муҳтож эди. Биз улар учун ошхоналар ташкил этдик.

Махаллий буржуйлардан Потеляхов, Вадяев ва бошқалар ишчиларга пул бериш-дан бош тортибди. Уларни қамокка олиб, ишчиларга пул олиб келиш учун Тошкент-га жўнадик. Мухтор ҳукумат тор-мор этилгандан сўнг беш мартача кенгаш чакир-дик, фақат еттинчи куни йигилишга улгурдик. (Чунки, қизил гвардиячилар ўртасида тартибсизликлар ҳукмрон бўлиб, «голиб»лар етти кунгача талон-торож билан шугулланган эди — Ш. Д.) Мажлисдан ревкомни қўрқокликда айблаб суд қилдик. Ба-бушкин мажлисда сўзга чиқиб: «Ревком энг оғир кунда яширинди, қўрқоклик қил-ди», деб айблади.

Икки марта сайлов ўтказдик, иккинчисида большевойлар қўпроқ овоз олди. Осиповни байрамона тарзда, мушаклар отиб қузатиб қўйдик. Дарвоқе, қимдир унга суикасд қилиб ўқ узди, лекин ўқ тегмади. Е. Перфильев ҳам улар билан бирга Тошкентга жўнаб кетди».

Қуйидаги лавҳа ҳам (муаллифини аниқлай олмадик) Қўконни қонга ботиришда фаоллик қўрсатган қизил гвардиями қаламига мансубдир.

«...Бизнинг харбий қисмимиз отишмалар остида Қўкон вокзалига кириб борди ва... душман томонидан фаолроқ харбий ҳаракат бошланишини қутдик... Мана «Му-сулмонлар Харбий Шўроси» ва «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» томонидан бизга тақлиф этилган қескин талаб шартлари:

1. Ишчи, дехкон ва аскар Қўкон Шўроси мусулмон депутатлари, ишчи, аскар депутатлари Қенгаши ва «Городской самоуправление» идораларидан бирлашган ҳукумат тузиш:

Ишчи, дехкон ўлка Шўроси ва мусулмон жангчиларидан 2 киши; «Шўрои ислом» жамоасидан 2 киши; «Уламо жамияти»дан 2 киши; «Городской самоуправление»дан 2 киши;

Ишчи, дехкон ва аскар депутатлари қенгашининг 4 та вакилидан иборат ҳукумат тузиш.

2. Қўкон шаҳар қалъаси мазкур унитар (манфаатдор) ҳукуматнинг бевосита назорати остига берилсин.

3. Қизил гвардиячилар қуролсизлантирилсин.

4. Мусулмон аҳолиси қуролсизлантирилсин (милиция бунда истисно).

5. Ишчи, аскар ва мусулмон дехконларининг бевосита назорати остида миллий харбий қисм ташкил этилсин.

6. Мусулмон депутатлари Қенгаши ва Халқ Комиссарлари Совети биргаликда, зудлик билан Туркистон таъсис мажлисини чакирсин.

7. Иккала томон ҳам, биродарқушлик воқеаларини қузатмасин ва унда иштирок этмасин.

8. Иккала томон ҳам ўлганлар ва ярадор бўлганлар учун гина саклаб, адоватда

бўлмасин.

9. Халк Комиссарлари томонидан тузилган йўл-йўриklar Шариат конунларига зид келса, мусулмонлар у йўл-йўриklarга амал килмайди.

10. Шартномага имзо қўйилган захоти иккала томон ҳам бандиларни озод этсин.

11. Ахolidан тортиб олинган молу мулklar мумкин кадар ўз эгаларига кайтарилсин. Ярашув конференцияси Раиси номига. Музокара олиб бориш учун «Рус-Осиё» банки ёнига келасизлар. У ердан сизларни мусулмон сокчилари Русия меҳмонхонасига-ча кузатиб боришади. Музокара «Канишка» дўконида ўтказилади. Музокара пайтида иккала томон ҳам ўк отишни тўхтатиб туришлари шарт. Жавобини кундуз соат 4 гача кутамиз.

Кўкон шахри, 16 февраль, 1918 йил. «Вакдинчалик Мусулмон харбий Кенгаши Раислигини бажарувчи (имзо)».

Калъадагилар талабнома шартларига тўпдан Эски шахар устига ўк отиш билан жавоб берди. Талабнома шартлари қабул килинмаганини сезган Эски шахар мусулмон мутаассиблари шахардаги оврўпалик ахолини бўғизлашга киришиб кетдилар. Яна мусулмон делегацияси келди ва шахарни ўкка тутиш тўхтатилмаса, ўзаро душманлик бутун ўлкага ёйилиб кетиши мумкинлигини айтдилар. «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» тинчликка эришиш учун бошка чора-тадбирлар кидирмокда, деди.

Делегацияга «биз сизлар билан урушишдан кўркмаймиз», деб жавоб бердик. Шахарни яна замбаракдан ўкка тутдик. Натижада мусулмон кисмлари Скобелев томон-га коча бошлади. Шахардаги бадавлат рус кишилари ҳам улар билан бирга эди.

...Эски шахар аланга ичида колди. Учта харбий юришда демократия ва социализм душманлари билан қахрамонларча жанг килган кизил гвардиячилар ўзгалар молу мулкини талон-торож килишдан ўзини тийиб туролмади».

Учта харбий юришда «қахрамонлик» кўрсатган куrolли инкилобчилар Кўконда ўзгалар молу мулкини талон-торож килдилар. Бу ҳам етмагандай арман дашноклари билан ҳамкорликда Фаргона водийси халки бошига тарих кўрмаган вахшийликларни солдилар. «1918 йилнинг 19—26 январида Тошкентда бўлиб ўтган «Туркистон ўлка Советлари»нинг IV съезди Кўкон мухторияти ва ҳукумат аъзоларини конундан ташкари, деб жория этди, ҳукумат аъзоларини хибсга олиш хакида қарор қабул килди». Ана шу қарорга биноан Кўкон конга ботирилди. Мухтор ҳукуматнинг 30 вакили (ҳукуматга алоқадор бўлган шахслар) камокка олинди. Айримлари қўлга тушган захотиёк судсиз отиб ташланди. Ҳукумат бошлиги М. Чўкаев Фаргонага, Фаргонадан Кашкарга кочиb кетишга мажбур бўлди. Шахар бир неча кун олов ичида колди. «Ўт очиш оқибатида 1000 дан ортик дўкон ва дўкончалар вайрон этилди. 1500 киши ўлдирилди». «Кўкон ҳукумати тор-мор келтирилгандан сўнг дашноклар гуруҳи Шўро дружинаси байроги остида шахарни 9 кун талади. Кўкон касалхонасида даволанаётган бемор ва ярадорлар-ни биноти билан бирга ёкиб юборди. Кўкон пахта тозалаш заводи ишчиларининг 50 таси оиласи билан пичоклаб ўлдирилган». Шакар (Кўкон)нинг 10 махалласида сўйилмаган одам колмади. Киска вақтда 10 минг кишининг ёстиги куриди. Дашноклар вахшийларча одамларнинг қўли, оёгини чопди, аёлларнинг эса кўкрагини кесди. Болаларни эса жоду (беда киркадиган асбоб)дан ўтказдилар». Перфильев Тошкентга кетганидан сўнг даш-нокларнинг бир кисми калъа химоячиси сифатида колдирилган эди. Дашноклар

1915 йилги турк-арман киргинидан к.очиб, Туркистондан панох топгандилар. 1919 йилнинг май ойида Дашноқцутюн партияси Коминтерндан чиқарилади ва курулсизлантирилади.

Кўкон партия дружинасининг собик взвод командири Усмон Алиев куйидагича ёзади: «Хал килувчи февраль кунларида дашноқлар дўконларни талади, Потеляхов идорасини ёкди. Шахар роппа-роса бир ой ёнди. Ок,ибатда очарчилик бошланди». Фарғонадаги биродаркушликнинг фаол катнашчиси Матковул Матфозиловнинг ёзиши-ча, «Сўл эсерлар, дашноқлар ва бошқалар Кўкон Шўросига кириб олиб, яширин равишда хоинлик сиёсатини олиб бордилар. Бу партияларнинг махсус курулланган бўлинмиси босмачиларга қарши кураш никоби остида ерлиларга нисбатан вақшийлик қилди, зўр-лади ва молу мулкни талон-торож қилди». Дашноқцутюнчилар ва курулли инқилобчи-лар Сузук, Бозорқўргон аҳолисини киргинга гирифтор этди.

Киска вақтда рўй берган вайронагарчилик, талон-торож ва вақшийликлар бутун Туркистонга ёйилди. Инсоний ҳукуки, эътиқоди, орияти топталган халқ кўзгалди. Ва бу ҳолат халқ ҳаракати, халқнинг оммавий қаршилик ҳаракати, ўзига ҳос йўсидаги халқ норозилигига ва кўзғолонга айланиб кетди. Биз, бу миллий озодлик ва қаршилик ҳаракатини босмачилик ҳаракати, даврни эса босмачилик даври деб атадик. Кўкон ғожиаси турли хил сиёсий партиялар ва гуруҳлар ичида жиддий норозиликлар келтириб чиқарди ва соф виждонли кишиларни оёққа тургазди. Бу ғожиадан жабрланган халқнинг қасоскорлик руҳида тарбияланган мард ўғлонлари аллақачон ҳулоса чиқарганди. Тошкент шаҳар Советининг 1919 йил 23 феввалидаги йигинида «Кўкон воқеаларига дойр ва социалистик армия» деган масала муҳокама қилинади, Унда Кўконда содир этилган ғожиаларга сиёсий баҳо беришга, тўғрироғи ҳаспўшлашга уринишлар бўлади. Шу ўринда ана шу мажлис маълумотномасидан парчалар келтиришни лозим топдик, (Чунки унда аждодларимизнинг қизил гвардиячилар томонидан қанчалик вақшийларча ўлдирилгани ва демократик қучларнинг ғожиаларни ҳолис баҳолаши қанчалик қаршиликка учрагани аён бўлади.)

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиғи ўрток ВАЙНШТЕЙН (мажлисни очик ўтказишни талаб қилади ва кўриляётган масаланинг аҳамиятига тўхталиб, куйидагича фикр билдиради): «Кўриляётган масалага ҳар томонлама сиёсий баҳо бериш бизни жуда қизиқдиради, айниқса жанговар бўлинманинг жанг пайтида ва жангдан кейинги ҳулқ-атвори, зиммасига юкланган топшириққа муносабати ва уни қандай бажарганлигини билишимиз лозим. Бу масалалар нафакат бизни, балки бутун жамиятимизни, инқилобий демократияни, ҳар қандай махфий сиёсатдан, сирли шартномалардан устун турадиган ҳақиқатни халқ оммаси билиб қўйиши керак. Шубҳали ва қайғули қолат рўй бермаслиғи учун мазкур масала очик муҳокама этилиши лозим. Кўнгилсиз ҳодиса рўй бермаган бўлса, жуда яхши, қимлардандир кўрқадиган, яширадиган нарсамиз йўқ. Агарда демократияга, инқилобга доғ туширадиган ҳатти-ҳаракат содир этилган бўлса, у бизнинг ярамиз ва жароҳатимиз деб қабул қилишимиз керак. У газак олиб кетмаслиғи учун чора-тадбирлар кўришимиз даркор. Мабодо демократия учун шармандали воқеа рўй берган бўлса, масалани очик муҳокама этиб, айбмизини тан олиб, уни ювишимиз лозим.

Е. ПЕРФИЛЬЕВ: Январь ва февраль ойида уҳта юриш қилишга тўғри қелди. Бу учала юриш бир-бири билан узвий боғланган. Биз атаман Дутов билан жанг қилаётганимизда, унинг Зайцев ва мухтор ҳукумат билан алоқада бўлганлигини тасдиқловчи

маълумотларга эга эдик.

Оренбург учун жанг килаётганимизда Кўконда кўзголон кўтарилиши керак экан. Айни вақтда, казаклар Эрондан Ўрта Осиё томон силжимокда эди. Улар бирлашиб, Шўро хокимиятини ағдармокчи эдилар.

Халк оммаси Кўкондаги мухториятни кўллаб-куватламади. Биз ўз вақтида душманни Оренбургда тор-мор келтириб, Шўролар хокимиятини ўрнатдик ва Ўр-та Осиё томонга йўл олдик. Самарканд остонасида казакларга зарба бердик ва уларни тинчитдик. Казакларни кўзголонга ундаган 200 тача киши шармандаларча кочиб колди.

Кўконда эса, ерли халкнинг курулли бандаси калъага хужум килибди, талабнома топширибди ва. таслим бўлишни, курулларни топширишни, кизил гвардиячиларни курулсизлайтиришни талаб килаётган экан. Биз Кўконнинг Янги шаҳар кисмида рус ахолисини ерли бандитлар бўғизлаб ўлдирмокдалар, деган хабар олдик. Бизнинг поездимиз йўл-йўлакай, йўлда учраган хар кандай калакги-касангиларни ўкка тутиб борди. Шаҳар калъаси халича кўлдан кетган йўк экан.

...Исёнчилар орасида яхши курулланган 250 тача форс бўлиб, ҳукумат уларга хар куни 25 сўм пул бериб турар экан. (Мухтор ҳукуматнинг хазинаси бўш бўлган, 60 миллион сўмлик заём чиқариб уни ҳам сотолмаган—Ш.Д.) Курулланган арман дашноқпари шаҳарда жойлашган бўлиб, форслар билан душманлик кайфиятида эди. Улар калъа ва вокзал ўртасидаги алокани ушлаб турарди.

Эрталаб, Хўжанд кўчаси бўйлаб 2000 тача ерлилар шаҳар томон бостириб келаяпти, деган хабарни олдим. Олдинда курулланган пиёдалар, уларнинг изидан болта, теша, ўрок, кетмон ва калтак билан курулланган одамлар, улар оркасидан курулланган отлиц-лар ярим халка бўлиб, курулсиз оломонни биз томонга зўрлаб, олдига солиб кувиб келарди. Наманган йўли бўйлаб ҳам, худди шундай гурух бостириб келмокда эди.

Отрядимиз 12 та артиллерия пушкасидан уларга карата ўт оча бошлади. Исёнчиларнинг катта кисми мачитга яширинишди. Менимча, улар мачитни тўпдан сакланадиган паноҳ деб тасаввур килгандилар. Мачитни харбий истехком сифатида шаҳар калъаси билан таккослаганда жуда катта фарк килади. Масжидга карата бир неча маротаба ўк уздик. Гурухимиз ўз вазифасини бажармади. Чунки гурухимиз ёнгин чиқариб шаҳар ва ахолига катта зарар етказди. Виз шакардаги хокимиятни йўк килиб ташладик. Шаҳардаги эски ҳукумат рус кишиларининг хаётини саклаб қолишга кафолат беролмасди.

Мачитларни яна бир неча маротаба тўпдан ўкка тутишга тўгри келди. Кизил гвар-диячилар бўғизланган оврўпаликларнинг жасадларини кўрганда шундай тутакиб кетди-ларки, уларни ҳеч кандай куч тўхтатиб кололмасди, аскарлар олдиларидан чиккан хамма нарсани яксон цилиб кетавердилар. Хатто шундай ҳ,олат рўй бердики, 5 та киёил гвардиячи ерли бандитлернинг 200 тасини олдига солиб кувлади (курулсиз оломонни—Ш. Д.). Отряд катта какрамонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта ҳам кўркоги йўк эди. Биз кийинчилик билан тошкўприкни кўлга киритдик ва Эски шаҳарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекинишди. Бадавлат кишилар кимматбахо буюмларини, пуллариини ўзлари билан олиб кочдилар, лекин нарсалари ўзларига насиб этмади. Кочаётганларни тезотар тўпдан ўк узиб, янчиб ташладик, бир кисмини эса оркага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиклари, гиламлари, кимматбахо нарсалари йўлда сочилиб колди.

Туркистон мухтор ҳукумати деб аталган ҳукумат, биз боргунга кадар таркаб кетган экан. Унинг ўрнига «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» тузилиб, мохиятан олдинги ҳукуматдан ҳеч кандай фаркланмасди, факатгина номи ўзгача эди, холос. «Ўлка

мусулмон депутатлари Шўроси» вакилининг айтишича, бизлар уларни ўкка тутганимиз сабабли мусулмонлар бизга карши миллий уруш эълон қилган эмиш. Мен уларга: «Биз урушдан кўркмаймиз», деб жавоб бердим. Гурухимиз Эски шаҳар устига яна 9 мартта замбаракдан ўк узди... Шундан сўнг ок байроқ кўтариб мусулмон делегациялари келавердилар. Улар «Биз айбдор эмасмиз, у тўдалардан ўзимиз ҳам катта зарар кўряпмиз, конли тўкнашувларга улар айбдор, ўк отишни тўхтатинглар», деб илтимос қилдилар. Гурухимиз қочган тўдаларни изидан қувиб етиб тор-мор келтириши керак эди, лекин гурухимиз ва дашноқлар шаҳарни талон-торож қилишга берилиб кетишди. Шунинг учун ҳам гурухни бошқа кучлар билан алмаштириш зарурияти тугилди.

Хозир Кўкон қандай ахволда, у ерда нималар бўляпти? Кўконнинг Эски шаҳар қисми тамомила вайрон этилган. Янги шаҳар мавзеига зарар етказилмаган. Шаҳардаги бадавлат рус қишилари ҳам шаҳарни ташлаб қочиб кетган. Шаҳарда катта озик-овқат эахиралари, банкида эса олтин ва қумуш пуллардан анчагина бор...

Биз зиммамиздаги ишларни қунлаган эмасмиз. Омон қолган бандитлар ўлканинг бошқа ҳудудларида кўзгопон кўтаришга уриниб кўрмоқда. Оврўпаликларга қарши ерли халқни қайраб, миллатчилик руҳида ташвиқот олиб бормоқдалар.

...Биз шаҳарда Пономарёв ва Белов бошчилигида шаҳар қуроли мудофаасини туздик. Олдимизда фитначиларнинг асл қиёфасини фoш этиш масаласи қўндаланг бўлиб турибди. Душманларимиз қундан-қунга хушёр тортмоқдалар. Аскарлар уй-уйларига тарқаб кетмоқдалар. Бизнинг ихтиёримизда замбараклар, снарядлар, ўк-дорилар истаганча бор, лекин одамларимиз қундан-қунга қамайиб бормоқда. Шунинг учун тезлик билан, қиска муддат ичида социалистик армия тузиш зарурияти яққол сезилиб қолди. Мен маърузамни тугатар эканман, шуни алоҳида таъкидламоқчиман: мен урушда бўлганман, қўплаб жанговар тўкнашувларда қатнашганман, лекин қизил гвардиячиларимизнинг Кўконда қўрсатган қакрамонлиқларини, мардлигини ҳалигача қўрмаган эдим.

Агар ўзгалар молу мулкини талон-торож қилишдек шармандали ҳолат қўй бермаганида, гурухимиз ўзининг инқилобий вазифасини қидидилдан аъло даражада бажарди, деб айтган бўлар эдим.

ВАЙНШТЕЙН: ҳисоботдан шуни аңғладимки, гурух бошлиғи ўрток Перфильев маърузаси юзасидан бирор жўяли фикр айтишим қийин. Унинг маърузасида қиши ҳиссиё-тини қитиклайдиган ва ташвиқотнома сўзлар аңчагина. Лекин Кўконда қўй берган фo-жиали воқеалар тўғрисида далиллар жуда оз қелтирилди. Бизни Оренбург ва Самарқанд эмас, айнан Кўкон воқеалари қизиктиради.

Қизик, синфий қураш номи билан қўтарилган инқилобий байроғимиз қаерда қолди? Руслар ва сартлар, арманилар ва форсларнинг ўзаро миллий қелишмовчиликлари ҳақидаги гаплар, мусулмонлардан қандай қилиб ҳимояланишимиз лойиҳаси тўғрисидаги фикрлар қулоққа қалинмоқда. Биз синфий қураш ўрнига, миллий қураш олиб бораёпмиз. Бу ахволни, шубҳасиз, табиий ҳол деб ҳисоблай олмаймиз. Лекин у мантиқан тўла, Советларнинг Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсати оқибатидир.

Ўлкада мусулмонлар ҳошиш-иродаси билан ҳисоблашмай туриб социализм қуришга интилмоқда. Ўрток Перфильев меҳнатқаш мусулмон оммаси мухториятни ҳохламади, қўллаб-қувватламади, деб таъкидлаб ўтди. Ўрток Перфильевнинг ўз фикрини исботлашга асоси қорми? Унинг асоси шундаки, қайсики мусулмонлар тўпдан ўкка қутилгандан кейингина ўзларини бўйсунушга тайёр эканлиқларини қилдирганини назарда қутаётган бўлса керак.

Ерли халк Куропаткинга ўзларининг итоатгўйлигини ўшандай усуллардан кейингина билдирмаганмиди? Ўртоқ Куропаткин (Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори 1914—1917 й.—Ш. Д.) кўллаган усуллар билан ёндашмокни мулохаза қияпти (залдан ола-говур кўтарилди, «Йўкол бу ердан!»).

Маърузада биз факат миллий киргинларни кўраяпмиз: уни социализмнинг ёвуз душмани бўлмиш подшо монархияси ва ҳукумати кўллаб-қувватлаган эди.

Кайси социалист бунга ишониши мумкин? Сиз Туркистонни ташлаб чикиб кетасиз-ми? Агар бу ерли халкнинг хокиш-иродаси бўлса-чи? Кимки бу тўғрида гапирадиган бўлса, сизлар дарров унинг овозини ўчирасизлар. Йўц, сизлар социалист эмас, ўша империалист, ўша истилочисизлар (залда шовкин, «Йўкол ярамас!» деган овоз янгради). ...Катор шахарлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мана, биз интернационализм гоёла-рини, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва халқаро биродарлик гоёларини ҳаётга қандай тадбик қилаяпмиз.

Биз Германия пролетариатини немис империалистлари билан курашда ёрдамга чакираяпмиз, лекин ўзимиз (аскарларни—Ш. Д.) бир ирқдан иккинчи ирқнинг устунли-гини тан олиш қайфиятида тарбияляпмиз. Нима учун Германия бизга: «Сизлар Туркистонда сартларни топтагандай биз сизларни янчиб ташлаймиз», деб айтмайди. Бошқалар хурматига сазовор бўлиш учун, бошқаларни ҳам хурмат қилиш керак. Ўртоқ Перфильев ҳиссиётимизни кўзгаб ундан фойдаланмокчи... Интернационалистлар фракцияси номидан зудлик билан рўй берган воқеани тафтиш қилиб, ўрганиб чиқувчи комиссия тузишни, инкилобнинг қизил байроғига қимки доғ туширган бўлса, оддий гвардиячидан тортиб, отряд командиригача ҳамма-ҳаммасини қатъий жавобгар-ликка тортишни талаб қиламиз.

Биз учун айрим кишиларнинг шухрати эмас, демократиянинг виждони ва тутган йўли аҳамиятлидир. Инкилобий демократия байроғидан бу доғни ювиб ташлаш керак.

Айбдорлар қонун олдида жавоб беришлари лозим.

Раислик қилувчи И. О. ТОБОЛИН: Кўкон воқеалари тўғрисидаги маърузани интер-националистлар фракциясининг вакили ташвиқотнома маъруза деб атади. Лекин мен танқид қилаётган кишининг маърузасини ташвиқотнома нутқ деб атайман. Катта йиги-лишга тўғри келмайдиган гап-сўзларни қилмоқда. Интернационалистлар фракциясининг қанча аъзоси аксилинкилобчилар билан бўлган жангда ҳалокатга учради? Аъзола-рингизнинг қанчаси жангда иштирок этди? Майли, биз улардан ҳеч нарсани, дам олишни ҳам, уйқуни ҳам, ҳаётни ҳам аямаймиз. Бу партияга (фракцияга) факат танкидингиз-ни чўнтагингизга солиб қуйинг дейман, танқидни сизлардек тафтиш комиссиясида ўтирмокчи бўлаётган кўрқоклар эмас, ишни амалга оширганларнинг ўзлари қиладилар. Менимча, уларнинг ўзлари айбланувчилар курсисида ўтириб, суд олдида жавоб беришлари керак.

Маърузачи социалистик ҳукумат қандай қилиб бундай шафқатсизликларга йўл қўйди, деб савол берапти. Мен унга ҳозир пролетариат диктатураси даврида, қим қимни енгизиш ҳал бўлаётганда шафқатсизларча кураш бўлиши табиий бир ҳол, деб жавоб берар эдим. Қизил гвардиячилар ўзаро жангларда бундан ҳам каттиқ шафқат-сизликларни намоён қилди. Умуман, бундай дақиқаларда, бундаин курашда шафқат-сизлик ҳақида гапириш жудаям қўлғули бир ҳол. Интернационалистлар партияси ваки-личинг айтишича, маъруза ҳеч нарса бермаган эмиш, лекин биз ундан қўп нарсаларни билиб олдик ва ҳулоса чиқардик.

...Кўконда марказдан узилиб, ҳаётимиз ҳавф остида қолганида ҳам, инкилобнинг

такдири кил устида турганида ҳам, ўз қарорларимизни ҳаётга тадбиқ қилаверамиз. Тўғри, айрим шахсларнинг жиной ҳаракатлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқ керак, лекин бутун бошли кизил гвардия юзига қора чалпишга йўл қўймаймиз. Бизнинг оилавий ҳаётимизга суқилишга ҳаққингиз йўқ. Демократлар орасида сизларга ўрин йўқ. Ярат-ганга шуқурқим, ўлқани танг аҳволдан сақлаб қолувчи кизил гвардиячилар ўз вақтида ҳаракат қилишга улғурди... Ўртоқ Перфильев оғир аҳволдагиларга ёрдам беришга умидсизлиги билан қарамоқда. Менга эса умидли бўлишга руҳсат бергайсизлар.

...Социалистик армиядан ташқари бизнинг ихтиёримизда, Шўро ҳокимияти душ-манларини янқиб, йўқ қилиб ташлайдиган, ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятига қарши қучларга қарши шафқатсиз қураш олиб борадиган кизил гвардия ҳам бор.

...Интернационалистлар фракциясини рус инқилобининг вайсаки сиёсатбозлари деб аташ мумкин. Жангдан сўнг ўзгалар молу мулкани талон-торож қилиш, шубҳасиз, шармандали ҳол, лекин биз бу воқеага психологик нуқтаи назардан ёндашишимиз мумкин. Тарихдан маълумки, шунчалик катта оломон билан жангчилар тўқнашганда талон-торож бўлиши табиий бир ҳол, фақатгина талон-торожнинг ҳажми ва қандай бўлганлиги билан фарқ қилади, ҳолос. Бу албатта ёвузлик.

Шу қунгача Русиянинг қамма йирик шаҳарларида тўнтариш вайрон қилиш йўли билан амалга оширилди. Биз Коровиченко (Туркистон Вактли ҳукуматининг ҳарбий вазири) устидан қалаба қозонганимизда талон-торож деярли содир бўлмади. Инки-лобнинг илғор кизил гвардиячи гуруҳлари байроғида доғ бўлмаслиги лозим, тушган доғни эса, албатта ювиш керак.

Талон-торож ва бебошлиқни тан олиб, айбдорларни ўзларининг ижтимоий-сиёсий ташкилотларида, ҳарбий қисмларида, гуруҳларида суд қилинишини тақлиф қиламан. Ўртоқ ВАЙНШТЕЙН интернационалистлар фракцияси номидан «Қўқон воқеаси» тўғрисидаги қарорни мажлис аҳлига ўқиб эшиттиради. Интернационалистлар фракцияси аъзолари номидан, қабул қилинадиган қарорда қуйидагилар акс этишини лозим деб ҳисоблайман: Инқилобий қарбий қисмлар томонидан содир этилган талон-торож ва бебошлиқ, инқилоб демократияси байроғига доғ бўлиб тушганлиги тан олинсин. Қўқон воқеалари яхши ёритилмади, деб ҳисоблансин. Фақат воқеа содир этилган жойнинг ўзида текширилган тақдирдагина ҳақиқат юзага чиқади. Шунинг учун демократик комиссия тузилсин, айбдорлар аниқлансин, инқилобий суд олдида жавоб берсин ва жазога тортилсин.

Раислик қилувчи ўртоқ ТОБОЛИН меньшевик-интернационалистлар фракцияси томонидан тақлиф қилинган қарорларни расмий равишда қабул қила олмаслигини эълон қилди, сабабини тақлифлар ёзма равишда берилмади деб қўрсатди. Ва мажлис аҳли меньшевик интернационалистлар фракцияси томонидан қилинган тақлифларни рад этди.

Сўнгра большевойлар резолюцияси ўқиб эшиттирилди ва 75 делегат розилиги (17 делегат қарши овоз берди) билан большевойлар қарори қабул қилинди».

Қўқонда рўй берган февраль воқеалари ҳамон бизга қоронғилигича қолмоқда. Айрим манбаларда, 18 февраль қуни Эргаш томонидан ҳокимият тўнтариши амалга оширилганлиги таъкидланади. Менимча, ҳеч қим, ҳеч қандай тўнтаришни амалга ошир-маган. Чунки таҳликали февраль қунларида Қўқонда ҳам, мухтор ҳукумат ичида ҳам, ягона ҳокимият қучи йўқ эди. Қўқоннинг амалдаги ҳақиқий эгаси, Қўқон шаҳар милициясининг бошлиғи Эргаш эди.

Қадимдан қолган ва қомусларда ёзилмаган ҳаётий бир қонун бор. Лашқар қимнинг

кўлида бўлса, ҳокимият ҳам ўшанинг кўлида бўлади (албатта, демократия институтлари ривожланмаган жамиятда). Олий лавозимга М. Чўкаев сайланган бўлса-да, мухтор ҳукумат суянган армия Эргаш кўлида эди. Шу ўринда Эргаш шахсига қисқача тўхталиб ўтсак. У долғали замонда иккита Эргаш яшаб ўтди. Катта Эргаш подшо замонида та-лончилик ва ўгрилик қилгани учун 20 йиллик Сибирь сургунига ҳукм қилинганди. Дар-х,ақикат, подшонинг Туркистондаги маъмурлари Бобонни ҳам, Номозни ҳам ўгри, талойчи деб атаганди. Февраль озодлиги туфайли 1917 йилнинг сентябрида Эргаш сургундан қайтиб келади. Ва у Шўро ҳукумати Кўкон шаҳар милицияси бошлиғи лаво-зимига тайинланади. 1918 йилнинг бошларига келиб Эргаш ва унинг ёрдамчиси Хамдам ихтиёрида 1700 дан ортиқ қуролли йигит бор эди.

1918 йилнинг март ойида Кўкон ёнидаги Бачир кишлогига кўрбошилар йиғини бўлиб ўтади. Унга 40 дан ортиқ кўрбошилар катнашиб Эргашни «Амир ул-муслим» (Мусулмон кўшинининг бошлиғи) этиб сайлайди. Ўринбосарликка Мадаминбек ва кичик Эргаш сайланади. Катта Эргаш 1918 йилнинг ёзида Маргилон шаҳри ёнидаги жангда халок бўлади. Кичик Эргаш эса, 1920 йили Кўконда мағлубиятга учраганидан сўнг сиёсий фаолиятдан четлашиб кетади.

Мухторият тузиш гоёси тарихимизда ўз эркини кўлга олмокчи бўлган, миллий демократик давлат тузишни ният қилган ва унда хур яшашни орзу этган юкори катлам-даги бир гуруҳ ватанпарварлар ташаббуси эди. Туркистон мухторияти ҳам, Париж коммунаси каби бор-йўғи 72 кун яшади. Туркистон миллий савдо-саноат буржуазияси мухториятнинг асосчиси ва ҳаракатнинг йўлбошчиси бўлди. Демократик кайфиятдаги миллий мусулмон зиёлилари эса, унинг тарғиботчиси ва собит курашчисига айланди. Туркистон тақдири учун, миллий истиклол учун, эрк ва хурлик учун БАТАН туйғусидек муқаддас туйғу калбининг тўридан жой олган миллатпарвар зиёлилар курашганди ҳолос. Улар Тошкентда козок тилида «Бирлик тўғи», ўзбек тилида «Эл байроғи», «Улуг Туркистон», «Хуррият», рус тилида «Свободная Туркестан» газеталарини озодлик гоёларини тарғиб қилувчи минбарга айлантирганди.

Мухторият ҳукумати молиявий жихатдан никоятда огир ахволда эди. Турк шўронинг буйруги билан 1917 йилнинг декабридаёқ Кўкондаги банклар пулини П. Г. Пол-торацкий шўро ҳукумати ихтиёрига олиб кетганди. Пулсиз колган мухториятчилар 60 миллион сўмлик заём чиқардилар. Лекин бир бурда нонга зор халк заёмларни деярли сотиб олмади. Ҳукуматни киска вақтда молиявий жихатдан оёкка тургазиш вазифаси долзарб масалалигича колаверди.

Хукумат харбий кучга хам эга эмас эди. Киска муддатда, жангавор куrolли инки-лобчиларга тенг келадиган харбий кучни йигишнинг умуман имкони йўк эди. «Кўкон кукумати харбий кучга мухтож эди», деб ёзади Турор Рискулов 1925 йили чоп этилган «Инкилоб ва Туркистоннинг ерли халклари» рисоласида. Хукумат Эргаш тўдасига суя-нишга мажбур бўлади, чунки, Кўкон воқеаларигача Эргаш гурухи Туркистондаги ягона куrolли гуруҳ эди.

Инкилоб арафасида Туркистонда бир нечта ижтимоий катламлар мавжуд бўлиб, уларнинг дунёкараши ҳам, жамиятда тутган ўринлари ҳам, манфаат ва мақсадлари ҳам турлича эди. Амалда Туркистонни инкилобгача агдарилган подшо тузумининг собик амалдорлари, помещик ва дворянлар бошқариб келди. Уларнинг кўпчилиги подшо армиясининг собик ҳарбий хизматчилари эди. Чунки, Туркистон ҳарбийлар кўлида бўлиб, ҳокимиятни ҳам ҳарбий усулда, ҳарбийлар бошқарарди.

Иккинчи ижтимоий катламни Русиянинг очкўз буржуйлари ташкил этиб, улар

Тур–кистондаги эскича ишлаб чиқаришни синдириш, лекин Туркистонни мустамлака, ҳеч бўлмаганда ярим мустамлака ҳолда саклаб қолиш тарафдори эдилар. Аини пайтда улар ҳам Туркистон ҳам ашёсидан ажралиб қолишдан ўлгудек кўркарди.

Учинчи ижтимоий катламни эндигина шаклланаётган миллий савдо-саноат буржуй–лари ташкил қиларди. Улар миллий маблағ ўсишини, Туркистон ва Русия муносабатларини тубдан ўзгартиришни, иложини топса ҳокимиятни ўзлари бошқаришни орзу қиларди. Ўз навбатида, уларни ҳам ўнг ва сўлга ажратиш мумкин эди. Ўнларга ерли яхудий буржуйлари мансуб бўлиб, нозик масалаларда иккиланиб турарди. Бу сирага Фарғонада Потеляхов, Вадяев, Давидов, Самарқандда Фузайлов ва бошқалар мансуб эди. Сўлларга эса туркий халқлар ичидан чиққан маҳаллий бўржуйлар—Миркомилбой, Убайдуллаҳўжа, Мўминбой ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тўртинчи гуруҳга ислом уламолари ва «мусулмон мутаассиблари» мансубдир. Уларни ҳам ўз навбатида икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга Бехбудий, Мунавварқори сингари миллатпарвар, аини пайтда байналминалчи, ислом илмининг билимдон уламоларини киритсак, иккинчи гуруҳга реакцион кайфиятдаги ислом динини ўзига никоб қилиб олган хурофотчилар мансубдир.

Ва нихоят бешинчи катламга қуйи табақа вакиллари—ўртаҳол ва камбағал дехқонлар, ишчилар қиради. Учинчи, тўртинчи катлам вакиллари орасидан демократик кайфиятдаги мусулмон зиёлилари гуруҳи ажралиб чиқиб, ўз тақдирини халқ тақдири билан бирга боғлади. Улар ерли халқ фарзандлари учун жаҳид мактаблари очиб, миллий маданиятни қўтариш, хурликда яшаш тарафдори эдилар. Уларга рус зиёлиларининг тараққийпарвар қисми хайрихоҳ бўлди.

Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришида етакчи ўрин тутган «онгли ва уюшган, инқилобий синф» бўлмиш, ишчилар синфи кам сонли эди. Борлари ҳам юқоридаги таърифга нолайик эди. (Инқилоб арафасида Туркистонда 21 минг атрофида ишчи бор эди.) Империя марказидан қўчириб келтирилган дехқонлар қаби ишчиларга ҳам, маҳаллий ишчи кадрларга нисбатан қўшимча имтиёзлар белгиланганди. Пахта заводида ва бошқа корхоналарда ишлайдиган рус ишчисига тўланадиган ҳақ ўзбек ишчисига тўла-надиган ҳақдан икки баробар кўп эди. Масалан: Кизилкия кумир қонида «сартларга бир ойда 15—17 сўм, рус ишчиларига 30 сўм тўланарди». Подшо замонасидаёқ Туркистон-га қўчиб келган оврўпалықлар ва ерли халқ ўртасига миллий низо уруғлари сепилганди. Чунки бундан чоризм манфаатдор эди. Маҳаллий ишчилар, асосан қора ишларни, пахта заводларида тойлانган пахталарни у ёқдан бу ёққа таширди, ёки тоғ-қон саноатида ҳам юк ташувчи бўлиб ишларди. Улар мавсумий ишчи ҳисобланарди. Инқилобий уюшқок-лик ва синфий онглилик қаби гоёлар ҳали уларга бегона эди.

Тарихчи олим П. Алексеенков «Қўқон мухторияти»ни тўрт даврга бўлади.

«Тайёргарлик даври» ёки биринчи давр. Октябрь инқилобидан, (аслида Октябрь тўнтариши Тошқентда Петрограддагидан бир неча кун олдин бўлиб ўтган—Ш. Д.) Ўлка мусулмонларининг IV Фавкуллодда қурултойига, яъни октябрь ойининг охиридан 28 ноябргача.

Иккинчиси буржуазия раҳбарлиги даври. (Миллатпарвар демократик кайфиятдаги маҳаллий буржуа мусулмон зиёлиларининг раҳбарлиги даври дейилса, ҳақиқатга тўғри бўларди—Ш. Д.) Ўлка мусулмонларининг IV Фавкуллодда қурултойидан Эргаш бошчилигида ҳокимият тўнтаришига қадар, яъни 28 ноябрдан, 18 февралгача давом этган.

Учинчи давр бир неча кунгина давом этиб, аксилинкилобий кучларнинг енгилиши ва Эргашнинг кочиши билан тугайди.

Тўртинчи давр эса, Эргаш бошчилигидаги гурухнинг янги аксилинкилобий курашни бошлаб бериши. Туркистон тарихида бу курашга босмачилик кураши деб ном берилди ва неча йил давом этганлигини П. Алексеенков алохида таъкидлайди. Уз-ўзидан қўриниб турибдики, Туркистон тарихидаги энг конли ва фожиали давр хи-собланган «босмачилик» даври ва харакати КОНГА БОТИРИЛГАН «Қўкон мухториятиининг аччик меваси экан.

Шониёз Дониёров